


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни  
автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат  
саноати) бакалавриат таълим йўналишининг  
малака талаблари*

Тошкент-2021



### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- «Хimavtomatika» МЧЖ ҚҚ.

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «26» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи</i> .....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши Малака талабларининг қўлланилиши</i> .....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари .....	4
1.2.	<i>60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i> .....	4
1.2.1.	<i>60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i> .....	4
1.2.2.	<i>60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i> .....	5
1.2.3.	<i>60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i> .....	5
1.2.4.	<i>60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i> .....	5
2.	<i>60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i> ....	8
2.1.	Умумий компетенциялар .....	8
2.2.	Касбий компетенциялар .....	8
	Библиографик маълумотлар .....	10
	Келишув варағи .....	11

## **1. 60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаблари **60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаблари асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

### **1.1.2.** Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича ривожланган давлатлардаги фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқарма (бўлим) бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. 60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати)** бакалаврият таълим йўналиши – фан ва техника соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, у ишлаб чиқариш тармоқларидаги технологик жараёнларни автоматлаштириш, уларнинг бошқариш объектлари ва тизимларини лойиҳалаш, ишга тушириш, техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш жараёнларини таъминлашга йўналтирилган назорат воситалари мажмуалари, технологик объектларни ростлаш ва бошқариш тизимларини, шунингдек, технологик объектларни самарали бошқариш учун мўлжалланган назорат ва бошқариш тамойиллари билан боғлиқ

комплекс масалалар мажмуини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника, технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**1.2.2. 60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноатлари ишлаб чиқаришлари ва технологик жараёнлари;

– техник тизимлар, юқори унумдорликка эга технологик жараёнлар, аппаратлар ва жиҳозлар;

– технологик жараёнлар ва уларни назорат қилиш, назорат-ўлчаш асбоблари ва автоматика воситалари;

– технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари;

– технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни ростлаш ва бошқариш тизимлари;

– технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштирилган бошқариш тизимларидан фойдаланиш, уларни сошлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш усуллари ва воситалари, шунингдек назорат, ростлаш ва бошқариш тизимларининг лойиҳа, илмий ишлаб чиқариш фаолиятини техник таъминлаш воситалари, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқаришнинг рақобатбардошлиги ва бу соҳани ривожлантириш жараёнлари.

**1.2.3. 60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- лойиҳавий-конструкторлик;
- фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш-бошқарув;
- йиғиш-созлаш;
- ташкилий-бошқарув;
- илмий-тадқиқот;
- ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолият;
- тадбиркорлик.

**1.2.4. 60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари**

**Касбий фаолият турига мувофиқ бакалавр дастурини ўзлаштирган битирувчи куйидаги касбий вазифаларни ҳал қилишга тайёр бўлиши керак**

**Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:**

– ишлаб чиқариш соҳасидаги технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– бажарилаётган тажриба ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги умумсаноат ва махсус мақсадли назорат, ростлаш ва бошқаришнинг автоматик ва автоматлаштирилган тизимлари аппарат-дастурий мажмуалари архитектурасини лойиҳалаштириш;

– турли табиатли технологик объектларнинг параметрларини назорат қилиш, ростлаш ва бошқаришнинг автоматик ва автоматлаштирилган тизимлари учун аппаратли-дастурий воситаларни танлаш ва яратиш;

– жараёнларнинг боришини назорат қилиш, ростлаш ва бошқаришнинг автоматик ва автоматлаштирилган тизимларини функционал, мантикий ва техникавий ташкиллаштиришни ишлаб чиқиш, уларни лойиҳалашнинг замонавий усуллари, воситалари ва технологиялари асосида техникавий, алгоритмик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқа олиш.

**Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида:**

– автоматика ва назорат-ўлчов асбоблари ва воситаларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

– технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимларидаги техник воситаларга техник хизмат кўрсатиш, намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;

– технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш соҳасида ишлатиладиган аппаратларни синаш, уларнинг ишлашига ташхис қўйиш ва камчиликларини бартараф этиш;

– технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш соҳасида ишлатиладиган аппаратларнинг ишчи жараёнлари моделларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда ҳисоблаш воситаларидан фойдалана билиш;

– инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш бўйича ҳамда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.

**Ишлаб чиқариш-бошқарув фаолиятида:**

– назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика, технологик жараёнларнинг автоматлаштирилган бошқариш тизимлари, технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимлари цехларида уста, катта уста, цех диспетчери, метрология, автоматлаштириш тизимларига хизмат кўрсатувчи оператор, оператор-диспетчер вазифаларини бажара олиш;

– намунавий автоматлаштирилган технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усуллари танлаш ва қўллаш қобилиятига эга бўлиш;

– илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган бошқариш тизимларининг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– касбий этика кодексига риоя этиш.

**Йиғиш-созлаш фаолиятида:**

– технологик жараёнларнинг назорат ва ростлаш контурларини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш;

– замонавий назорат-ўлчов асбобларини йиғиш ва созлаш ишларини самарали бажара олиш.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазасига, ёнғинга, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш.

**Илмий - тадқиқот фаолиятида:**

– илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда назорат-ўлчаш асбобларини синаш, улардан фойдаланиш ҳамда автоматлаштиришнинг техник воситалари, тизимлари, жараёнлари, жиҳозлари, шунингдек материалларни стандартлаштириш билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш;

– технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш тизимларини тадқиқ қилишда намунавий методикалар ва техник воситаларни қўллаш олиш;

– технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш соҳасидаги махсус адабиётлар, илмий-техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;

– илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– мавзу (топшириқ) бўйича илмий техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадқиқ этишда қатнашиш.

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):**

– ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув устахоналарида ўтказиш;

– ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

– ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

– электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;

– узлуксиз таълим тизимининг ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

**Тадбиркорлик фаолиятида:**

– янги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, уларни автоматлаштириш бошқариш тизимларини яратиш учун бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва юритиш.

## **2. 60711400 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий-илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- намунавий ва ностандарт технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштирилган бошқариш тизимларини, уларнинг элементлари ва қурилмаларини, назорат-ўлчаш асбобларини, қисмлари ва деталларини лойиҳалаш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, инфорацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қобилиятларига эга бўлиши керак.
- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг автоматик ва автоматлаштирилган бошқариш тизимлари, назорат ва ростлаш контурлари, ахборот-бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг интеллектуал тизимлари ишлашини ўзлаштириш;
- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг автоматик ва автоматлаштирилган бошқариш тизимлари, технологик жиҳозларни тайёрлашда техник ҳужжатлар (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга бюртмалар) ишлаб чиқиш;
- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштирилган бошқаришда уста, катта уста, цех оператори, оператор-деспетчер, метролог, система-техник фаолиятларини олиб бориш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш, қобилиятларига эга бўлиши;
- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқаришда ишлаб чиқаришдаги технологик жиҳозларни, жумладан автоматлаштирилган, рақамли-дастурий бошқариладиган, мосланувчан ишлаб чиқариш ва ностандарт жиҳозлар ва бошқаларни монтаж қилиш ҳамда созлаш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш қобилиятларига эга бўлиши;
- давлат ва муниципал бошқарув органлари ва ташкилотлари фаолиятини ишлаб чиқариш муҳитига таъсирини баҳолаш, ишлаб чиқаришда ўзига хос хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, ишлаб чиқариш товарларни истеъмолчилари хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш асослари, ишлаб чиқариш тузилмалари ва соҳанинг рақобат муҳитини билишга асосланган талабни шакллантириш



қобилиятига эга бўлиши;

- ишлаб чиқариш қарорларини қабул қилишда, уларни аниқ ишлаб чиқариш вазибаларига мослаштириш орқали ишлаб чиқаришни ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқариш корхонасининг ички ҳужжат айланиш тизимининг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш, турли кўрсаткичлар бўйича маълумотлар базасини юритиш ва ташкилий лойиҳалар иштирокчиларига ахборот таъминотини яратиш кўникмаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқариш корхонасини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишда (корхона, давлат ёки маҳаллий бошқарув идораси) ташқи алоқаларни кенгайтириш ва тажриба алмашиш учун зарур маълумот тўплаш тизимларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарувчи шериклар билан муносабатларни ташкил этиш ва кўллаб-қувватлаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкилотларнинг амалий фаолиятида қайта ташкил этиш усулларидан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;

- ишлаб чиқариш сиёсати ва ташкилотнинг ишлаб чиқариш ҳисоботларини шакллантиришда ишлаб чиқариш ҳисобининг асосий принциплари ва стандартларини, ишлаб чиқариш ҳисоби маълумотлари асосида харажатларни бошқариш ва қарорларни қабул қилиш кўникмаларини;

- ишлаб чиқариш қарорларини қабул қилишда, шу жумладан инновацион технологиялар тўғрисида қарор қабул қилишда ўзига хос хатарларни таҳлил қилиш қобилияти;

- ишлаб чиқариш корхоналари ва университет (институт) ларнинг ролини ҳисобга олган ҳолда инновацион лойиҳаларини баҳолаш, режалаштириш ва башоратлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- конструкторлик бюроси, йиғиш, синаш ишлаб чиқариш цехи фаолиятини сифатини бошқариш;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, қонун, қоида, қарор, олий таълим, ўқув жараёни, лойиҳа-конструкторлик, ишлаб чиқариш-ташкилий, хизмат кўрсатиш ва сервис, малакавий амалиёт, битирув малакавий иш, сифатни баҳолаш ва назорати, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, кредит, назорат-ўлчаш асбоблари ва автоматика, технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари, оператор-диспетчер, оператор, метролог, чиланган, цех устаси, цех бошлиғи.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

Ректор  С.М. Турабджанов

2021 йил « 27 » 08

М.Ў.



“Химавтоматика” МЧЖ ҚҚ

Бош директор  Ф.Т.Адилов

2021 йил « 22 » 08

М.Ў.



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Тошкент кимё-технология институти

Директор в.б.  М.Х.Эсанов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.



Ректор  Б.Ш.Усмонов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.



“Ўзкимёсаноат” АЖ

Бошқарув Раисининг ўринбосари  Е.В.Коржиқов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.

